

Суғд конфедерациясида молия тизими тарихига доир

Тарихдан маълумки, ҳозирги Ўзбекистон ҳудуди яратилган маданият дунё маданиятида ўзига хос ўрнига эга. Бу ҳудудда қадим даврларда вужудга келган давлатчилик жараёнлари кейинги тарихий тараққиётга йўл очиб берди. Ушбу тараққиёт замирида савдо муносабатлари ва улар билан боғлиқ пул муносабатлари муҳим омил саналган. Айниқса, илк ўрта асрлар даврида Ўзбекистон ҳудудидаги нарх-наво, танга зарби, пул муносабатлари масаласи фанда ўрганилиши лозим бўлган давлатчилигимизнинг ўзига хос жабҳаларидан ҳисобланади. Ўзбекистон ҳудудида жойлашган йирик воҳа ҳисобланган Суғдда илк ўрта асрларда пул муомаласи, иқтисодий аҳвол масалаларга алоқадор маълумотлардан воқиф бўлиш бу борадаги тасаввурларнинг кенгайишига асос бўлади.

Бу борада илк ўрта асрлар даври тўғрисида маълумот берувчи Муғ тоғи суғдий ҳужжатлари муҳим манба саналади. Ушбу мақолада эса 1932-1933 йилларда топилган Муғ тоғи суғдий ҳужжатларида келтирилган Суғддаги пул муомаласи суғдий ҳужжатлар нашрлари асосида таҳлил қилинади.

Муғ тоғи суғдий ҳужжатлари туркумига хос А-5 рақамли ҳужжатда илк ўрта асрлардаги Суғд конфедерациясининг Панч ҳукмдорлиги саройининг кундалик эҳтиёжлари учун сарфланган харажатлар ҳисоботи келтирилган бўлиб, ҳужжат 19-14 х 39 см. юзали чармга битилган ва 27 қатордан иборат. Ҳужжатнинг икки қатор ёзуви орқа томонига битилган. Ҳужжатда номлари келтирилган шахслар (ҳукмдор Деваштич саройида хизмат қилган) Муғ тоғи суғдий ҳужжатлари туркумининг бошқа ҳужжатларида қайд этилмаган. Ҳужжат ёзуви - суғдийча¹.

А-5 ҳужжатининг муҳимлиги шундаки, бу ҳужжатдан биз илк ўрта асрларда Суғдиёнада пул муомаласи, иқтисодий аҳволга ҳамда ижтимоий-ҳуқуқий масалаларга алоқадор қатор маълумотлардан воқиф бўламиз.

А-5 ҳужжатида сарфланган пул бирлигининг номи драхм деб кўрсатилган. Маълумки, драхм дастлаб оғирлик ўлчов бирлиги бўлиб, 4 гр. атрофидаги кумуш миқдорини англатган. Кейинчалик шу вазндаги кумушдан зарб этилган тангани билдирган. Аммо Суғдда зарб қилинган кумуш драхмлар кам топилган. Суғд ҳукмдорларидан Тургар номидан зарб этилган кумуш драхмлардан бир нечтаси топилган холос. «Драхм» сўзи қадимий ўлчов бирлиги сифатида арабча «мисқол» бирлиги билан тенг юрган. Шарқда мисқол номи билан маълум бўлган оғирлик бирлиги 4 граммдан ортиқроқ вазн деб тушунилади². Олтин танга эса VII-VIII асрларда Суғдда зарб қилинмаган. Фақатгина суғдий матнларнинг таржималарида *динор* олтин танга деб таржима қилинган ва тушуниланган³.

А-5 ҳужжати VIII аср бошларида Суғдда амал қилган пул муомаласи ва драхм ҳақида қизиқарли маълумотлар беради. Масалан, 2 драхм – кавш (ковуш), қассобнинг хизмат ҳақи 5 драхм, чўпонга 6 драхм, парвоначига 8 драхм, подшо учун 2 драхмга қалпоқ, 8 драхмдан

¹ Согдийские документы с горы Муг. Юридические документы и письма. Чтение, перевод и комментарии В.А.Лившица. – Вып. II. – М: Наука, 1962. – С. 181-185; Исҳоқов М. Унутилган подшоликдан хатлар. – Тошкент: Фан, 1992. – Б. 51-55; Лившиц В.А. Согдийская эпиграфика Средней Азии и Семиречья. – СПб: 2008. – С. 213-220

² Исҳоқов М. Унутилган подшоликдан хатлар. ... – Б. 52.

³ Лившиц В.А. Согдийская эпиграфика. ... – С. 39.

қоғоз ва шоҳи матога, 15 драхм Фармитон қишлоғилик аёлнинг кийимлари учун, 15 драхм соқийга, табибга 15 драхм, от харид қилиш учун 200 драхм, сигир учун 11 драхм ва ҳоказо тўловлар ҳақида батафсил рўйхат тузилганки, бу ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг аниқ лавҳаси сифатида қимматлидир. Айниқса, у ё бу лавозимдаги хизмат ҳақи меъёрлари Суғднинг илк ўрта асрлардаги ижтимоий ҳаёти ҳақида аниқ тасаввур беради.

Хужжатнинг 15-17-сатрларида подшо Деваштичнинг ҳаёт тарзига оид бир факт сақланган. Унда ёзилишича, подшо ёзда шаҳарда турмаган. У ёзлик қароргоҳида туриб, ишларни буйруқлар юбориш орқали бошқариб турган: «Подшо ёзлик жойига кетган вақтда чўпон ундан буйруқ олиб келди. Шунга биноан Ғунга, Футчакка уч драхм, бухороликка уч драхм бердим» каби жумлалар шундан далолатдир. Ёзлик жой матнда «марғ» шаклида берилган. Бу сўз «ўтлоқ» маъносига эга бўлиб, Марғилон, Маймурғ каби топонимларнинг ўзаги ана шу асосида шаклланган.

Қуйида А-5 хужжатининг ўзбекча таржимасини келтирилади (қавс ичидаги сўроқ белгиси бирор сўзнинг ўкилиши ёки изоҳи ишончли бўлмаган ўринларда қўлланилган):

- (1) *Всар* мана шу драхмлардан *Артикка* от учун
- (2) 200 (драхм), *Кажмонакка* 32, *Махрга* –
- (3) 12, *Ванга* молларни бокқани учун – 6, яна
- (4) *Пухарга* – 5, *кушонийликка* (?) – 10,
- (5) *Парвоначига* (парвонак кирок) – 8, *қассобга* 5
- (6) *Вишийонга* 2 драхмга кавш⁴, яна
- (7) ...ҳоким (Деваштичга?) 2 драхмга қалпоқ, ва яна ...га
- (8) 1 драхмга кавш, яна *Пухарга* ҳамда *кушонийликка* (?)
- (9) *Дарканакка* ҳар бирига 2 драхмдан кавш,
- (10) *Футчакка*, *Ғунга*, *Махрга*, *Дарканакка* 12 драхмдан
- (11) *вағвайанакка* (?) ва совут кўйлак (курта), ... ва *Жегувакка* 1 драхм
- (12) кавш учун, 8 драхмдан қоғоз учун, ипак мато учун,
- (13) ёғ учун Вардаккат (қишлоғида) берилди. *Фармитонлик* аёлга
- (14) 15 драхмга кўйлак олинди. Сўнгра яна
- (15) ҳоким бир арабга 10 бухорий (танга) беришни буюрди. Ҳоким далага ёзликка жўнаган пайтда
- (16) чўпон фармон келтирди. Шунга биноан бердим: *Ғунга*,
- (17) *Футчакка* 3, *бухороликка* 3 драхм ва берилди (шунингдек)
- (18) *Коҳинга* 50 драхм, *Вешак* ҳокимига 10, яна
- (19) *Варкутакка*⁵ 5, *Жегувакка* 5
- (20) *Миттага* 4, *Читчитга* 4, *Хумдотга*
- (21) 4, *Фракавадда* 4, *Фрапаиштакка*
- (22) 4, *Ғунатга* 50 (драхм), *Авдмахч* – боғбонга
- (23) 10, *зутпатга* (шароб тайёрловчи) 15, *Ревахийонга* 30 ва
- (24) *Макдошга* 30 драхм берилди, 11 драхмга сигир сотиб олдим. Бу
- (25) сигир янги йил байрамида ейилди. 12 драхмга 4 (тўрт) *катурик* (?) сотиб олдим (катурик сўзининг маъноси маълум эмас)⁶.
- (26) ва бердим мен *Равичга* том ёпиш учун 100 драхм,

⁴ Ёки бошмоқ учун.

⁵ Ёки *Варкутак* ҳукмдорига (*Қаранг*: Согдийские документы с горы Муг. – Вып. III: Хозяйственные документы / Чтен., пер. и коммен. М.Н. Боголюбова и О.И. Смирновой. – М.: ИВЛ, 1962. – С. 103).

⁶ Исҳоқов М. Унутилган подшоликдан хатлар. ... – Б. 52.

(27) табибга – 15 драхм...

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, илк ўрта асрларда Суғд конфедерациясида молиявий муносабатлар ўзига хос ривожланган даражада бўлган. Шу билан бирга ижтимоий, маъмурий тизимга хос бошқарув лавозимлари амал қилиб, давлат ҳуқуқ тизимининг меъёрлари шаклланган эди. Сарой хизматчиларига уларнинг лавозимига қараб маош бериш тартиби ва унинг марказдан назорат қилиниши масаласи илк ўрта асрлардаёқ шаклланганлиги давлатчилигимиз тарихида молия тизимининг ўзига хос ўрнидан далолат беради.

Юқорида келтирилган маълумотларда Суғдда илк ўрта асрларда ернинг баҳоси қанча эканлиги тўғрисида маълумотлар келтирилмайди. Муғ тоғи суғдий ҳужжатлари таркибида бевосита мулкчилик, мулк тасарруфи шакллари, товар-пул муносабатлари тарихига ойдинлик киритувчи қатор ҳужжатлар бор. Улардан бири фанга В-8 рақами остида киритилган суғдча ер олди-сотдиси расмийлаштирилган ҳужжатдир. Бу ҳужжат феодал тузумда молиявий муносабатлар тизимидаги ернинг аҳамияти қай даражада бўлганлигини кўрсатади.

Ҳужжат матнининг эни 9,5-13 см, бўйи эса 18,8 см ошланган чарм юзасига суғдий ёзувининг кундалик маҳкамавий усулга хос тури билан битилган. Чармнинг ўнг бетида 23, орқа бетида 4 қатор матн жойлашган. Ёзувнинг палеографик хусусиятлари ўзига хос. Афтидан, уни ёзган котибнинг малакаси суғд маҳкамачилиги билан боғлиқ ҳуснихат мактабида шаклланган. Ушбу ҳужжат суғдий ҳужжатлар туркумида Деваштичдан олдин ҳукмронлик қилган Панч ҳукмдори Чакин чур Билга ҳукмдорлиги санаси келтирилган ягона ҳужжат ҳисобланади. Шундай экан ҳужжат 708 йилгача бўлган даврда ёзилган. Ҳужжатда ҳеч қандай муҳр излари кўринмайди⁷.

Қуйида В-8 (ер харид қилиш ҳақидаги суғдча ҳужжат) ҳужжатининг ўзбекча таржимасини келтирилади:

Ҳужжатнинг ўнг юзаси:

(1) Бу йил, *Вағт*

(2) подшоси, Панч ҳукмдори *Чакин Чур*

(3) *Билга Бичут* ўғли (ҳукмронлигига)

(4) 15 йил бўлган пайтда, *Жимтич* оғли,

(5) *Аспандармат-роч* куни (бу ҳужжат битилди). Ва шундай қилиб,

(6) *Махч* ва *Хиумвандаклар* сотиб ол (иш)ди

(7) *Осмонч* ўғиллари *Шир-*

(8) *вағч* ва *Асатафсарак*, *Парнхунд*

(9) ўғиллариданки, *Пеихвад* (деган жойдаги)

(10) ботқоқзор (?) олдида жойлашган қабристонга қарашли бир бўлак ернинг (асксок) ярми -

(11) ни йўли ва ғов - ихотаси билан биргаликда 25 драхм

(12) динорийга - тўсиқ билан ўралган ерни -

(13) бундай шартга кўра: *Махч* ва

(14) *Хиумвандак* ўз уруғ-аймоғи билан биргаликда бу

(15) *асксок* ерга майитларини қўйсинлар ва йиғи солиб, аза -

(16) сини тутсинлар. Ва шундан кейин (бу ерда) («энди») *Махч*

⁷ Лившиц В.А. Согдийская эпиграфика. ... – С. 49.

- (17) ва *Хшумвандакларни* ва уларнинг уруғларини мана
 (18) шу ярим бўлтак (асксок) ерда кимки безовта қилса,
 (19) ёки (ерга эгалик бўйича) жанжал ва тўполон чиқаришга
 (20) интилса, уларни *Ширвағч* ва *Асатафсарак* ўз уруғ-аймоқлари билан биргаликда
 (21) ҳеч (сўзсиз) (жанжалдан) холи қилсин -
 (22) лар (ва харидорларга ҳеч қандай) зарар етмасин.
 (23) Бу ерда (яъни ҳужжат тузилган ерда) *Виркан*, *Вағтварз* ўғли;
 Орқа саҳифасида гувоҳлар рўйхатининг давоми ва котиб исми
 (1) *Нанайфарн Вағварз* ўғли;
 (2) *Шавч Фарнийон* ўғли;
 (3) *Тусағ Жим* ўғли бор эди
 (4) Ва ёзилди: *Ваненок* (томонидан).

В-8 суғдийча ҳужжат матни *асксок* деб аталган ерини сотиш тўғрисида битилган. Ҳужжатга мувофиқ, сотиб олинаётган ер харидорлар томонидан вафот этганларнинг мурдаларини қўйиш ва йиғи-аза маросимларини ўтказишга мўлжалланган. Савдога киришувчи томонлар: Махч ва Хшумвандак - харидорлар, ер сотувчилар - Ширвағч ва Асатафсарак. Ҳар икки томоннинг оталари исми ҳам қайд этилган: Осмонч ҳамда Фарнхунд.

Ҳужжатда олди-сотди объекти сифатида асксок (қабристондаги ер бўлаги) ернинг ярми ҳақида гап бормоқда. Бу қисмда Махч ва Хшумвандаклар оилавий хилхона, балки наус (зардуштийликка кўра, ўлик суяги солинган сопол қутилар турадиган махсус қурилма) қуришлари мумкин. Сотувчи томон эса келишувга биноан бу ярим бўлтак асксокка бировлар тажовуз қилишига йўл қўймайдилар, харидорларнинг сотиб олган ерларидан тинч ва бемалол фойдалана олишларига жавобгардирлар. Ҳужжат матнининг охирги қаторлари яхши сақланмаганлиги учун, томонлар ўртасида қайси ҳолатда шартномани тўхтатиш ёки бекор қилиш мумкинлиги номаълум бўлиб қолмоқда⁸.

Асксок ер қандай ер экани ҳозиргача номаълум бўлиб келмоқда эди. Лекин матнда «бу ерга майитларини қўйсинлар, аза (йиғи-сиғи) қилсинлар» каби сўзлар ҳам борки, булар ҳужжатда гап қабристон билан боғлиқ ер ҳақида бораётганини кўрсатади. Бундан ташқари, ернинг «ботқоқлик ёнидаги», «ғов билан ўралган» сингари айрим сифатлари ҳам тилга олинади.

Муг тоғи суғдий ҳужжатлари орасидаги В-4 рақамли ҳужжатда эса сув тегирмонларини ижарага бериш билан боғлиқ ҳуқуқий масала акс этган. Унда тегирмонларни ижарага берувчи томон шахсан Панч ҳукмдори Деваштич эканлиги қайд қилинади. Унда тегирмонни ижарага олаётган шахс Махён Допотшир ўғли бўлиб, ижарачи битимда келтирилган талаб ва шартларни қабул қилган ҳолда уч нафар шахс гувоҳлигида келишув бўйича ижара ҳақини ўз вақтида тўлаш мажбуриятини олганлиги қайд этилган⁹.

Ушбу ҳужжатнинг аҳамиятли томони шуки, биринчидан, ҳукмдор Деваштич бир вақтнинг ўзида подшо ва ҳам йирик ер эгаси сифатида иш олиб борганлигида, иккинчидан, тегирмоннинг ижарага берилишининг молиявий ва ҳуқуқий жиҳатдан пухта таъминланганидир. Типологик жиҳатдан ҳужжатда кириш формуласи, мақсад, томонлар шартлари, ижара муддати каби қисмлар борки, улар суғдий ҳужжатчилиқ анъанасига мувофиқ келади. Бундай шартномаларнинг таркиби ҳозирги кунда ҳам ана шундай шаклда

⁸ Лившиц В.А. Согдийская эпиграфика. ... – С. 56.

⁹ Согдийские документы с горы Муг. – Вып. II. ... – С. 54.

давом этаётгани билан изоҳлаш мумкин. Хужжат якунида васиқа Сиямич Тишич ўғли томонидан Махён буйруғига биноан ёзилди деган сўзларни кўрамиз¹⁰.

Юқорида келтирилган маълумотлардан келиб чиқиб қуйидаги хулосаларни илгшари суриш мумкин:

Биринчидан, Суғдда барқарор молия тизими йўлга қўйилган бўлиб, молиявий муносабатларнинг барқарорлиги халқаро савдо муносабатлардаги манфаатли ҳамкорликни ривожлантирган ва суғдийлар Бую к ипак йўли бўйлаб савдо муносабатларини бошқарганлар. Суғднинг ушбу мавқеи Турк хоконлиги учун ҳам фойдали эди. Шу сабабли Турк хоконлиги Суғд конфедератив тузилмасининг бошқарув тизимини аниқса молия тизими бошқарувини ўзгартирмай сақлаган ҳолда назорат остида сақлаган;

Иккинчидан, Суғддаги молиявий шартномаларнинг юридик жиҳатдан пухта тузилганлиги диққатга сазовор. Ер олди-сотдиси, тегирмон ижараси каби шартномалар бунга мисол бўлади. Оди-сотди муносабатларининг VII-VIII асрларда мавжуд ушбу шакли кейинги даврлар савдо муносабатларида ўз аксини топган;

Тўртинчидан, суғдий хужжатлардан маълум бўладики, VII-VIII асрларда Суғдда ерга муносабат оила аъзоларининг, хусусан, ота-болаларнинг умумий иши бўлган. Бир сўз билан айтганда молиявий тизимда мулкчилик муносабатларининг патриархал оила кўриниши амал қилган;

Бешинчидан, хужжатлар таҳлилидан маълум бўладики, молиявий масалалар бир жойдан туриб назорат қилинган. Бу эса Суғдда *ғазначилик* тизимининг ўша даврдаёқ йўлга қўйилганлигини кўрсатади.

Хуллас, илк ўрта асрларда Суғдда шаклланган молия тизими кейинги даврлардаги савдо муносабатлари, шаҳарлар тараққиёти, мамлакат фаровонлиги учун қўйилган тамал тоши бўлиб хизмат қилган.

¹⁰ Исҳоқов М. Унутилган подшоликдан хатлар. ... – Б. 19.